

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”
“Ориент Финанс” ХАТБ
Комплаенс-назорат
Бошқармаси бошлиғи
Ш.Ш. Шамансуров имзо
2022 йил “15” июль

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ориент Финанс” ХАТБ
Кузатув Кенгашининг
2022 йил “15” июлдаги
68-сонли баённомаси
Кузатув Кенгashi Раиси
Б.Б. Парпиев имзо

**“ОРИЕНТ ФИНАНС” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНинг
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СИЁСАТИ**

Ушбу ҳужжат “Ориент Финанс” ХАТБ хусусий мулкидир. Ушбу ҳужжатни тўлиқлигича ва/ёки айни бир қисмларини кўчирма нусхаларини яратиш ва фойдаланиши Банк раҳбарияти розилиги билан амалга оширилиши лозим. Мазкур ҳужжатнинг нусхаси Банкнинг расмий веб сайтида танишиш учун жойлаштирилади.

Келишилган:

Бошқарув Раиси
Т.Ф. Джунайдуллаев имзо

Бош бухгалтер -
Департамент директори
Д.Т. Рахимов имзо

Бошқарув Раиси
биринчи ўринбосари
Ш.Ш. Туйбоев имзо

Юридик хизмат
Департаменти директори
Т.У. Умаров имзо

Бошқарув Раиси ўринбосари
Б.Э. Норматов имзо

Кредитлаш Департаменти
директори
З.З. Рузиев имзо

Бошқарув Раиси ўринбосари -
Ижроия аппарати раҳбари
И.Т. Турсунов имзо

Таваккалчиликни бошқариш
Департаменти директори
Ш.У. Шадманов имзо

Ҳужжат коди

150-327

Таҳрир

01

Амал қилиш муддати

15.08.2022й.

дан

15.08.2027й. гача

Узайтирилган

гача

ТОШКЕНТ 2022

МУНДАРИЖА

Ўзгартиришларни қайд этиш бети

1. Умумий қоидалар.
2. Қўлланилиш доираси.
3. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари.
4. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари.
5. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари.
6. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали бошқариш.
7. Корупцияни олдини олиш бўйича асосий чора-тадбирлар.
8. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.
9. Яқуний қоидалар.

Иловалар:

- 1-сонли Илова
- 2-сонли Илова
- 3-сонли Илова

Ўзгартиришларни қайд этиш бети

№ п/п	Варақлар сони (бетлар)					Хужжатдаги барча варақлар (бетлар)	Ўзгартириш №	Имзо	Сана
	Ўзгартирилган	Алмаштирилган	Янгилар	Олингандар					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	

Ҳукуқий экспертиза

“Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий хужжатларига кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомнинг (рўйхат рақами: 916; 2000 йил 5 апрель) 3.1-банди талабларига мувофиқ ушбу ички меъёрий хужжатнинг амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий хужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ҳукуқий экспертиза ўтказилди. Ушбу Сиёсат амалдаги қонунчилик хужжатлари ва Марказий банк меъёрий хужжатларига зид эмас.

Юридик хизмат

Департаменти директори

имзо

Т.У. Умаров

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тијорат банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати (бундан кейинги матнларда – “Сиёсат” деб номланади) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг тавсиялари, шунингдек илфор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Сиёсат «Ориент Финанс» ХАТБнинг Бош офиси ва унинг тизимидағи Амалиёт бошқармаси, барча филиаллар ҳамда Банк хизматлари офисларининг (бундан кейинги матнларда – “Банк” деб номланади) барча ходимлари орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида, юқори аҳлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

1.3. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

- Банк ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ички меърий ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

- Банқда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияни олдини олиш ҳамда Банкнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириб бориш, уларда коррупцияга нисбатан муросасиз (тоқатсиз) муносабатни шакллантириш;

- Банк ходимлари фаолиятининг шаффоғлиги ва одоб-аҳлоқ меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

- коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

1.4. Ушбу Сиёсат Банкнинг юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Банк фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асосий ички меърий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

1.5. Мазкур Сиёсат талаблари мөхнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритаётган, эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Банкнинг барча ходимлари, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари учун бирдек амал қиласди.

1.6. Банкка ишга қабул қилинаётган ва Банқда ишлаётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан унинг 1-сонли иловасидаги мажбуриятномага имзо чеккан ҳолда танишиши лозим.

1.7. Банк ушбу Сиёсатни Банкнинг расмий корпоратив веб-сайтига эркин кириб танишиш учун жойлаштиради ва ўз тизимида ҳар қандай шаклдаги ва кўринишдаги коррупцияга қарши эканлигини очиқ эълон қиласди.

1.8. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуийдаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва бошқа идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг Банк ходимлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзларига нисбатан содикликларини ошириш мақсадида Банк ходимлари учун ва/ёки уларни манфаатларини кўзлаб қилган ҳаражатлари, жумладан, учинчи шахслар томонидан амалга оширилган қуийдаги ҳаражатлар: иш фаолияти юзасидан овқатланишлар учун, йўлкира ҳақини қоплаш учун, кўнгилочар тадбирлар учун, саёҳат ва меҳмонхона хизматлари ҳаражатлари ва ҳоказолар;

контрагент – Банк билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишида тақдим этиши;

коррупциявий хавф-хатар – Банк ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Банк номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий/номоддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки порада воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳукуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган, коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Банкнинг Комплаенс-назорат бошқармаси;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички меъёрий ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Банк ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва одоб-аҳлоқ жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

коррупция ҳолати тўғрисида хабар бериш – Банк ходимлари томонидан коррупциявий ҳукуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга уриниш бўлганлиги) тўғрисида алоқа каналлари орқали йўлланган мурожаат;

mansabdor shaxs - доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, Банқда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат

берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

манфаатлар тўқнашуви – Банк ходимининг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати лавозим/хизмат мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва шахсий манфаатдорлик билан Банкнинг қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар манфаатлар тўқнашуви ҳисобланади ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ Банкнинг стандарт хизматларини амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган, ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

ходим – Банк билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳукуқий шартнома асосида меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Банк ходимининг ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида, унинг лавозим/хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин вазиятда, Банк ходимининг ўзи ёки яқин қариндоши ёки унга алоқадор бўлган шахслар томонидан пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф (шахсий, ижтимоий, мулк кўринишдаги, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) олиш имконияти;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-куватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти);

яқин қариндошлар – ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр/хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

2. ҚЎЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ

2.1. Мазкур Сиёсат Банкнинг барча бизнес жараёнлари ва таркибий бўлинмаларида қўлланилади ҳамда эгаллаб турган лавозимидан ва Банқда ишлаган давридан қатъий назар, Банкнинг барча ходимларига нисбатан татбиқ этилади.

2.2. Банкнинг барча ходимлари ушбу Сиёсатга амал қилишлари ҳамда унинг тамойиллари ва талабларига қатъий риоя этишлари шарт.

2.3. Банк ўз мижозлари, контрагентлари ва бошқа шахслардан қонун талабларини ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз мажбуриятларини ба-бажаришларини истайди.

3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУХИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Банқда коррупцияга қарши кураш тизими қуидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунчиллик – Банқдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чоратадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчиллиги талабларига мувофиқ,

коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек Банк ички меърий хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалта оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) – Банк ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Банк ходимларига коррупциявий ҳуқуқбузарлик келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффоффлик – Банк ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни Банқда қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилади (махфийлик ва банк сири тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва яхлитлиги – коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Банкнинг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимиға бирлаштирилиши лозим;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Банк ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш – Банк коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Банкнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички меъёрий хужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун тўғридан-тўғри Банк раҳбариятига ёки ўзининг таркибий бўлинмаси раҳбари/Комплаенс-назорат бошқармасига/Хавфсизлик департаментига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Банк ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қилади;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги – Банк ўз мижозларига хизмат қўрсатишда, контрагентлари билан муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигини инобатга олади;

коррупциявий хавф-хатарни даврий баҳолаш – коррупциявий хавф-хатарлар ички меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда даврий баҳоланади;

Банк раҳбариятининг шахсий намунаси – Банк раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатишлари лозим;

Банк ходимларини жалб қилиш – банкнинг коррупцияга қарши сиёсати масалалари бўйича банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш маданияти ва коррупцияга қарши чоралар бўйича хабардорлиги даражасини ошириш ва хабардор қилиш;

мотивация – меҳнатни рағбатлантириш (устама ҳақ тўлаш, мукофотлаш, ходимларни моддий/номоддий равишда рағбатлантириш ва ҳоказолар);

лозим даражада синчковлик – Банкки ишга киримоқчи бўлган номзодларни ишга қабул қилишда уларнинг ишончлилиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг йўқлиги, корупцияга мойиллиги ва коррупцион фаолиятга алоқадор эмаслиги юзасидан талаблар қўйиш;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш – Банк даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фоалияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равиша тақомиллаштириш – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Банкда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равиша ошириш чоралари кўрилади.

4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

4.1. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда Банкнинг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини қўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, ҳар қандай шаклда моддий манфаат берилишини талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва/ёки олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъян тақиқланади.

4.2. Қуйидагилар Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

4.2.1. Банкда коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички меърий ҳужжатларнинг мавжудлиги, яъни коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:

- мазкур Сиёсат;
- “Ориент Финанс” ХАТБ ходимларининг одоб-аҳлоқ кодекси;
- “Ориент Финанс” ХАТБда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларида ҳаракатлар тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Банкнинг бошқа тегишли ички меъёрий ҳужжатларида акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

4.2.2. Банк раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатишлари лозимлиги, яъни “Юқоридан қўйига шахсий намуна” (Tone at the Top):

- Банкнинг юқори раҳбари яти томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-куватлаш, рағбатлантириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш ва шахсий хулқ-атвори юзасидан Банк жамоасига шахсан намуна сифатида намоён бўлиши лозим бўлади;

- Банк раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўз қўл остидаги ходимларга, фуқароларга ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалоллик, адолатлик, ростгўйлик, объективлик ва холислик, юқори одоб-аҳлоқ намунаси бўлишлари ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришлари лозим;

- Банк раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Банк таркибий бўлинмалари раҳбарлари Банк фаолиятининг хавф-хатарли функцияларига/йўналишларига коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар, шу жумладан, йўл хариталари, дастурлар ва ҳоказолар, шунингдек ички тартибларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қилишлари лозим.

4.2.3. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:

- Банк ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни таркибий тузилмалар функцияларининг хусусияти, мижозлар, контрагентлар, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Банқда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

- Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Банкнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Банкнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

- Банк қўйидаги асосий хавф-хатарларни ўз вақтида олдини олиш ва минималлаштириш орқали коррупцияга қарши курашишни таъминлаши лозим:

- Банк ходимларини коррупцион фаолиятга жалб қилиниши;
- Банк ходимлари томонидан қонунга хилоф ҳаракатлар, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, Банкнинг обрўсига путур етказиш/йўқотишга олиб келадиган ҳаракатларни содир этилиши;
- контрагентларнинг инсофсизлиги ва уларнинг банкка моддий зарар етказилишига олиб келадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлари;
- манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини юзага келиши;
- Марказий банк ва назорат қилувчи давлат органлари томонидан Банкга нисбатан санкциялар қўлланилиши.

4.2.4. Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар:

- Банқда коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар: Банк Кузатув Кенгashi; Банк Бошқаруви, Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича Комиссия, Комплаенс-назорат бошқармаси, Банкнинг барча таркибий бўлинмалари, Амалиёт бошқармаси, филиаллари ва Банк хизматлари оғислари раҳбарлари, шунингдек филиалларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

- Банқда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Комплаенс-назорат бошқармаси ташкил этилган;

- Банкдаги Комплаенс-назорат бошқармаси коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширади ва бевосита Банкнинг Кузатув Кенгashiга бўйсунади, ўз фаолиятини Банкнинг Кузатув Кенгashi Раиси томонидан тасдиқланган Низом ва лавозим йўриқномаларга мувофиқ амалга оширади;

- Банк Кузатув Кенгashi Комплаенс-назорат бошқармасини Банқда коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди;

- Банк фаолият юритаётган Ходимларни баҳолаш ва ривожлантириш Қўмитаси ходимларнинг одоб-аҳлоқ қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқади, шунингдек Банкка ходимларни ишга қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни олдини олиш/бартараф этишда иштирок этади.

4.2.5. Банкнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш:

- Банк коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва мижозларни хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларидағи каналларида жойлаштиради;
- Банк барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқа хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди;
- Банк ходимларини Банқда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқув тадбирларини ўтказади;
- янги ходимларни ишга қабул қилаётганда Ходимлар билан ишлаш департаменти ушбу Сиёсат билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боради;
- Банқдаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланиши мумкин. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти ёки Комплаенс-назорат бошқармасида сақланади;
- коррупция мавзусига доир аудио/видеороликлар, электрон мақолалар ҳамда Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланилади;
- мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Комплаенс-назорат бошқармаси Банк ходимларига маслаҳатлар беради, коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиб боради;
- мазкур Сиёсатнинг 1-сонли иловасидаги Мажбуриятнома ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларнинг ажralmas қисмини ташкил этади, шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномаларига мазкур Сиёсатнинг 2-сонли иловасига асосан коррупцияга қарши бандлар киритилиши лозим;
- Банк мижозлари, контрагентлари, ҳамкорлари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларда мазкур Сиёсатнинг З сонли иловасига асосан коррупцияга қарши шартлар киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали ҳарид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почтa, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к. билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

4.2.6. Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик:

Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар Банқда амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самараадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Банқда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли қарорлар қабул қилинади.

Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- Банк фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидағи ўзгаришларнинг Банкнинг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни түғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги;

- Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва тегишли давлат ва нодавлат органлари тавсияларининг қўлланилиши ва ижроси мониторинги;

- ҳалқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари қўлланилиши ва ижроси мониторинги;

- оммавий ахборот воситаларининг Банк ёки ходимларни коррупциявий ҳаракатлар қилганликлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Банк контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

- самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Банкнинг ички бизнес жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

- Банкнинг коррупцияга қарши курашиш дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

- ходимлар томонидан коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

- Банк ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

- Банқда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ички аудитини ўтказиш, жумладан Банқда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини текшириш орқали амалга оширилади;

- Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисботларида акс эттирилади.

4.2.7. Ҳукуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:

- мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Банқда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

- коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган Банк ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар;

- Банк ходимларини коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига мувофиқ ва Банкнинг ички меърий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади;

- ҳукуқбузарлик аниқланган тақдирда Комплаенс-назорат бошқармаси унинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиласида ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириб бориш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

- Банкнинг коррупцияга оид ҳукуқ бузарликларини аниқлаш ва текшириш ишлари ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4.2.8. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар:

- Банк ходимлари уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари ва улар билан боғланган ҳолатлар тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан бундай ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида бевосита ўз раҳбарларига, Комплаенс-назорат бошқармасига ва Хавфсизлик департаментига оғзаки ёки ёзма равишда ёки Банкнинг "Ишонч телефони" орқали хабар беришлари шарт, бунда ходимлар вазиятдан келиб чиқиб бундай хабарларни бевосита Банкнинг юқори раҳбариятига хусусан, ноўрин ҳатти-ҳаракатларга, жумладан коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш вазифаси юқлатилган Кузатув кенгаши аъзосига <https://ofb.uz/about/consumer-protection-negatives@ofb.uz> канали орқали ҳам шахсан етказишлари мумкин;

- Банк ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотларни махфийлигини таъминлайди (қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

- Банк ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, мукофот пулидан маҳрум қилиш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди. Агар Банк ходими коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида ўз вақтида хабар берган бўлса (пора бериш/олишдан бош тортган бўлса, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракатларини содир этмаган бўлса) Банк раҳбарияти, Комплаенс-назорат бошқармасининг асосланган билдиришномасига кўра, ушбу ходимни моддий рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқаради;

- Банкнинг мавжуд алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Банк масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банкнинг ички меърий ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқлади;

- Аноним равишда юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қўйидагиларни билиши лозим: Банк хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғланана олмайди ва зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

- Банк ходимлари томонидан атайлаб ғаразли ниятда, тухмат қилиш ёки бирон-бир имтиёз олиш ёки жавобгарликдан қочиш мақсадида ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабар яхши мақсад билан қилинган бўлиб, лекин уни текшириш пайтида тасдиқланмасада, ушбу ходимга нисбатан жазо чоралари қўлланилмайди;

- "Ишонч телефони" (71 2055554, 71 2008899) - Банк ходимлари ва/ёки Банк мижозлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этиш ниятлари ёки фактлари тўғрисида хабардор қилиш учун мўлжалланган хавфсиз ва махфий ахборот воситасидир. Банкнинг "Call Center" маъсул ходимлари "Ишонч телефони" орқали келиб тушган коррупция ҳуқуқбузарликларига оид хабарларни тизимли равишда қабул қиласидилар, ҳисобини юритадилар ва бундай хабарлар ҳақида зудлик билан Комплаенс-назорат бошқармасига ва/ёки Хавфсизлик

департаментига маълумот берадилар. Комплаенс-назорат бошқармаси Хавфсизлик департаменти билан биргаликда хабарларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, агар етарли асослар мавжуд бўлса, мазкур факт бўйича ички хизмат текширувани ўтказиш учун ушбу маълумотларни Банк раҳбариятига ёки Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш комиссиясига тақдим этадилар;

- Коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қутиладиги алоқа каналлари орқали ҳам бериш мумкин:

<https://ofb.uz/about/consumer-protection/> - negatives@ofb.uz

<https://ofb.uz/about/compliance-control/> - sh.shamansurov@ofb.uz

Онлайн қабулхона: <https://ofb.uz/uz/feedback/>

Алоқа маркази телефони: +99871 255-55-54, +99871 200-88-99

ва шунингдек, бевосита Банкнинг Комплаенс-назорат бошқармасига телефон, электрон почта ёки ёзма равишда мурожаат қилиш мумкин.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. Хизмат жараёнида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва бошқариш.

5.1.1. Банк ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Банк тасарруфидаги молмулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим;

5.1.2. Банк ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим. Банк ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички меърий ҳужжатда белгилаб қўйилиши лозим.

5.1.3. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартибтаомиллари Банк ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча бизнес-жараёнларга ва функцияларга жорий этилиши лозим.

5.1.4. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф қилиш учун Банк ходимлари:

- манфаатлар тўқнашувининг содир бўлишини ҳар қандай эҳтимолини олдини олиш чораларини кўришлари лозим;

- лавозим ёки хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймасликлари керак;

- манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда бу тўғрисида дарҳол ўзларининг бевосита раҳбарига ва/ёки Комплаенс-назорат бошқармасига хабар беришлари шарт;

- манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган ходимларнинг бевосита раҳбари ва/ёки Комплаенс-назорат бошқармаси манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф қилиш учун ўз вақтида чоралар кўришлари лозим. Бунда ушбу ходим учун топшириқларни/вазифаларни ўзгаришиш ва/ёки бошқа ходим билан ротация қилиш, ходимни ўзини мижоз/контрагент билан ишлашдан/банк амалиётларини бажаришдан воз кечиши ва ҳоказолар;

- айрим ҳолларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки бартараф этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда, манфаатлар тўқнашуви тарафи бўлган Банк ходимининг хизмат

лавозимини ўзгартиришдан (Банк ичида бошқа ишга ўтказишдан) иборат бўлиши мумкин.

5.2. Иш юзасидан совғалар ҳамда меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш ва тақдим этиш - Банкнинг совғалар сиёсати.

5.2.1. Совға – бу ходимнинг Банқда ишлаш муносабати билан унга тақдим қилинган, оддий нархларда тўлаш мажбурияти бўлмаган моддий/номоддий шаклдаги ҳар қандай қимматликдир. Банк ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслардан совғалар ва меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, мулкий хусусиятдаги наф ва хизматлар (ишлар, хизматлар, кўнгилочар тадбирлар, дам олиш, транспорт харажатлари, кредитлар учун тўловлар, мулқдан фойдаланиш учун чегирмалар, шу жумладан уй-жой, хайрия бадаллари, хайр-эҳсонлар), қимматбаҳо қофозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади. Бунда, конференциялар, семинарлар, расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган умумий қиймати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМнинг) 2 (икки) бараваридан ошмайдиган совғалар бундан истисно ҳисобланади.

5.2.2. Банк ходими томонидан совғалар олиниши бошқа ходимлар ёки бошқа шахслар (шу жумладан акциядорлар, мижозлар, контрагентлар ва давлат органлари) томонидан, ҳатто ходим ва ҳадя қилувчининг ниятларида ғаразлилик ёки бирон мақсадни кўзлаш бўлмаса ҳам салбий баҳоланиши мумкин. Банк ходимининг оила аъзоларига, яқин қариндошларига ёки бошқа яқин шахсларига унинг Банқдаги фаолияти билан боғлиқ хатти-харакатлари (харакатсизлиги) учун берилган совғалар, ушбу ходимга берилган совға деб ҳисобланади.

5.2.3. Банк ходимларига, уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Ҳалқаро хотин-қизлар куни ва шу кабилар)да Банк раҳбарияти ёки бошқа ходимлари томонидан берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар - ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади ва бундай совғаларни беришда қўйидагиларга риоя қилинади:

- совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир ноқонуний мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

- совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши ва совға очик-ойдин берилиши лозим;

- совғалар Банкнинг камида 3 (уч) нафар ходимлари иштироқида берилиши лозим;

- совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) БХМнинг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

- Банкнинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда БХМнинг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

5.2.4. Совға олишнинг ёки совға беришнинг қонунийлигига шубҳа туғилган тақдирда ходим Банқдаги Комплаенс-назорат бошқармасига ва Хавфсизлик департаментига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

5.2.5. Агар мижозлар/контрагентлар билан муносабатларда умумэътироф этилган бизнес амалиёти ёки ишбилармонлик урф-одатлари совғани рад этишга йўл қўймаса, Банк ходими ушбу совғани қабул қилиши керак ва шу куннинг ўзида уни тегишли маълумотлар билан бирга Банкнинг Хавфсизлик департаментига

топшириши лозим. Хавфсизлик департаменти Банк раҳбарияти билан келишган ҳолда бундай совғанинг кейинги тақдирини ҳал қиладилар.

5.2.6. Банк номидан конференциялар, симпозиумлар, расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда (шу жумладан ҳалқаро) ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш, мазкур Сиёсат талабларига асосан, Банк раҳбари ёки унинг ўринbosарларининг буйруғига/фармойишига кўра мувофиқ амалга оширилади.

5.2.7. Банкнинг вакиллик харажатлари, шу жумладан ишбилармонлик меҳмондўстлиги учун банк номидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилиши, совғалар/хизматлар эса Банк номидан ва унинг ҳисобидан тақдим этилиши/кўрсатилиши ёки совғалар/хизматлар Банк билан хамкорлик муносабатлари бўлган ёки бундай муносабатларни ўрнатмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслардан қабул қилиниши фақат қуидаги шарт ва мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин:

- вакиллик харажатлар ва совғалар Банк фаолиятининг қонуний мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлса, масалан, бизнес-лойиҳаларни тақдимот маросими ёки якунлаш туфайли, Банк фаолиятига боғлиқ шартномаларнинг муваффақиятли бажарилиши, умумеътироф этилган байрамлар муносабати билан ва бошқа шу каби ҳолатларда;

- вакиллик харажатлари ва совғалар умумеътироф этилган бизнес амалиёти ёки ишбилармонлик урф-одатларига мос келиши ва ишбилармонлик учрашувлари меъёрларидан ташқарига чиқмаслиги (гуллар, реклама ёки корпоратив бренд сувенирлари ва шу кабилар) лозим;

- вакиллик харажатлар ва Банк номидан совғалар қиймати ўртача бўлиши ва тадбирларнинг мақсадлари ва кўламига ёки тадбирнинг аҳамиятига мос келиши керак;

- меҳмондўстлик харажатлари ва совғаларнинг мақсади хизмат, ҳаракат (ҳаракатсизлик), розилик, ҳомийлик, ҳуқуқлар бериш, битим, лицензия, рухсатнома ёки бошқа шунга ўхшаш қарорлар олиш учун, шунингдек бошқа ноқонуний мақсадда совға олувчига таъсир ўтказишга уриниш учун “яширин мукофот” бўлиши мумкин эмас;

- вакиллик харажатлари ва совғалар Банкнинг обрўсига путур етказмаслиги лозим, вакиллик харажатлари ва совғалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда мазкур Сиёсат тамойиллари ва талабларига зид бўлмаслиги керак;

- шакл (нақд/нақдсиз) ва валюта туридан қатъи назар, Банк ходимлари ва вакиллари томонидан учинчи шахсларга Банк номидан пул кўринишида совғалар бериш таъқиқланади;

- шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат лавозимларини эгаллаб турган шахсларга, турли даражадаги давлат хизматчиларига, хизмат лавозими муносабати билан ёки ўз хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларига совғалар беришга (корпоратив брендли сувенир шаклдаги совғалар бундан мустасно) йўл қўйилмайди.

- Банк ходимларига Банк номидан сиёсий партиялар ёки сиёсий мансабга номзодлар учун совғалар бериш ва кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш, сиёсий мақсадларда бадаллар тўлаш таъқиқланади.

5.3. Банк ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши.

5.3.1. Банк ходимларининг ҳалқаро ва маҳаллий ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда (музокаралар,

кўргазма, семинар, конференция, сипозиум, тажриба алмасиш ва ҳ.к.) иштирок этиши учун қуидаги шартларга риоя этилиши лозим:

- тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Банкнинг бошқа ички меърий ҳужжатларига мос келса;

- тадбир Банкнинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

- тадбир Банк ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний манфаатни қўлга киритишни (масалан, кредит олувчиларга гаровга олинаётган кўчмас мулкни Банк билан хамкорликда бўлган баҳоловчи ташкилотга мурожаат қилишни тавсия қилиш ва шу кабилар) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

- тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Банк ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон обрўси/мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

- тадбир умумэтироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

- тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қимматли, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез тақорланиб турмаслиги лозим.

5.3.2. Агар ишбилармонлик тадбирлари (музокаралар, семинар, симпозиум, давра сұхбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Банкни ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбирини ўtkазиш шартлари Банк раҳбари ёки унинг ўринбосарлари билан келишилган бўлиши керак.

5.4. Кадрлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиш.

5.4.1. Банк ходимларини танлаш, ишга қабул қилиш, лавозимларда поғонама-поғона кўтариш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар бериш ва ҳар қандай рағбатлантириш жараёни барча ходимлар учун шаффофф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

5.4.2. Номзодларни Банкка танлаш ва ишга тайинлаш жараёни Банкка ишга қабул қилишга оид ички меърий ҳужжатлар ва Банкда “Ориент Финанс” ХАТБда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларида ҳаракатлар тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ҳамда комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилиши лозим.

5.4.3. Банкда ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар заҳирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёzlар тақдим этиш тақиқланади.

5.4.4. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга кўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим, бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқлари, иш тажрибасига, одоб-аҳлоқига асосий эътибор қаратилиши керак.

5.4.5. Банкда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффофф ва Банк ходимлари танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши лозим.

5.4.6. Банк тизимида бир-бири билан яқин қариндош бўлган шахсларнинг биргалиқда ишлаши, агар уларнинг иши улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниши ёки назорати билан боғлиқ бўлса тақиқланади. Чунки, қариндош-бошлиқларнинг қариндош-ходимларга нисбатан қарорлари банкнинг бошқа ходимлари ва/ёки учинчи шахслар, шу жумладан акциядорлар, контрагентлар, давлат органлари томонидан нообъектив баҳоланиши мумкин ёки нообъектив деб қабул қилиниши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатлар яқин қариндошларнинг бир

иш жараёнида биргалиқда иштирок әтган вақтларда ҳам юзага келиши мүмкін ва битта қариндош-ходимнинг қарори бошқа қариндош-ходимнинг вазифаларини бажаришига бўлган таъсири Банк манфаатларига зиён келтириши мүмкін.

5.4.7. Яқин қариндошларнинг биргалиқдаги иши, агар уларнинг иши улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниши ёки назорати билан боғлиқ бўлмаса, Банкнинг Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш Комиссиясининг қарорига мувофиқ рухсат берилиши лозим.

5.5. Банк ходимлари томонидан ўтказиладиган текширувлар.

5.5.1. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинглар ўтказаётган Банк ходимлари:

- манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига йўл қўймаслиги керак;
- текширув, ўрганиш, мониторингни ходимнинг якка ўзи амалга оширмаслиги керак;
- текширув, ўрганиш, мониторингни амалга ошираётган Банк ходимлари Банкнинг таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда уларнинг раҳбариятиходимлари билан ёлғиз қолмаслиги лозим;
- йўл қўйилиши мүмкін бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш, мониторинг ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини ва Банкнинг ички меъёрий хужжатларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган обьект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан кўрқитмаслиги лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир камчилик ва қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши зарур;
- қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), лозим бўлганда Банк томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;
- агар текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакиллари Банк ходимида аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий/номоддий бойликлар ёки хизматларни таклиф этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Банкнинг Комплаенс-назорат бошқармасига зудлик билан хабар беришлари лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакилларига одоб-аҳлоқ тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

5.5.2. Банк ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътиrozларни кўриб чиқиш учун Банк раҳбариятининг фармойиши билан алоҳида комиссия ташкил этилади.

5.6. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар, рақобатчилар ва учинчи шахслар билан шаффофф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

5.6.1. Контрагентлар билан муносабатларда Банк қонунийлик ва шаффоффлик тамойилларига амал қиласди.

5.6.2. Банкда маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффофф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффофф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва обьектив мезонлардан фойдаланишга асосланган Банкнинг ички меърий хужжатлари билан тартибга солинади.

5.6.3. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Банк:

- Банкда контрагентларни текшириш бўйича ички меърий хужжат ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Банк ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

- мижозлар, потенциал контрагентлар, шу жумладан харид танлови/тендер ғолибини у билан шартнома матнига маҳсус коррупцияга қарши шартларни мазкур Сиёсатнинг З-сонли иловасига асосан қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қиласди.

5.6.4. Банк коррупцион фаолиятда иштирок этган ёки иштирок этиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш учун ҳаракат қиласди. Шу муносабат билан Банк:

- потенциал контрагентлар ва уларнинг акциядорларининг ижобий/салбий томонларини, шу жумладан коррупцияга қарши тоқатсизлик даражасини, ушбу Сиёсатга ўхшаш тартиб ва ҳужжатларни мавжуд/мавжуд эмаслигини таҳлил қиласди;

- уларни Банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тамойиллари ва талаблари, шу жумладан ушбу Сиёсатда белгиланган тамойиллар тўғрисида хабардор қиласди;

- уларни коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тамойиллар ва талабларга риоя этишларига, шунингдек, коррупцияни олдини олишда ўзаро ёрдам кўrsatiшга тайёрликларини ҳисобга олади.

5.6.5. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия ва рухсатлар олиш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Банк ҳужжатларни кўриб чиқишининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш ҳолатларида, улардан сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қиласди.

5.6.6. Банкнинг товарлар етказиб берувчи/хизматлар кўrsатувчи контрагентларининг устав капиталида/бошқарув органларида Банк ходимининг ўзи/унинг яқин қариндошларининг устун иштирок этишлари ҳолатларида, Банк бундай контрагентлар билан муносабатларини тўхтатиши лозим. Бу каби контрагентлар билан шартномавий муносабатларга киришиш факат Банкнинг коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш Комиссиясининг тегишли қарори билан рухсат этилиши мумкин.

5.6.7. Банк ходимларига Банкнинг коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш Комиссиясининг розилигисиз рақобатчи ташкилотларнинг устав капиталида/бошқарув органларида бевосита/бильвосита иштирок этишлари тақиқланади.

5.6.8. Банк ходимлари Банк Бошқаруви розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлашлари мумкин.

5.6.9. Банкнинг рақобатчи ташкилотларининг, контрагентларининг ва мижозларининг устав капиталида/бошқарув органларида Банк ходимларининг ўзлари/яқин қариндошлари иштирок этишлари ҳолатлари ҳақида ва иштирок этишга тушган таклифлар ҳақида ушбу ходим томонидан Комплаенс-назорат бошқармасига ёзма хабар берилиши лозим. Комплаенс-назорат бошқармаси бундай ҳолатларни таҳлил қилиб ўз таклифларини Банк Бошқарувига/Банкнинг Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш Комиссиясига киритади.

5.7. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш.

5.7.1. Банк қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини бериши/қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни беришда/олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Банкнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

5.7.2. Банк томонидан берилаётган/қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги, хайрия ва ҳомийлик олувчиларнинг/хайрия ва ҳомийлик қилувчиларнинг Банк билан бундай муносабатларида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган Банк ходимининг шахсий манфаатдорлиги ҳолатларига йўл қўймасликлари лозим.

5.7.3. Банк томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини беришда/олишда қуидаги талаблар бажарилиши лозим:

- хайрия олувчи/қилувчи ёки ҳомийлик олувчи/қилувчи билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия/ҳомийлик олувчиларнинг хайрия/ҳомийлик қилувчиларнинг олдида келиб тушган ёрдамидан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

- бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш ва Банкнинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида берилган/олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш лозим.

5.8. Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизаси.

5.8.1. Комплаенс-назорат бошқармаси Банкнинг таркибий бўлинмалари билан биргалиқда ички меъёрий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этади, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида коррупциявий омилларнинг мавжуд/мавжуд эмаслигини ўрганади, коррупциявий омиллар аниқланса, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар тайёрлайди ва ушбу ҳужжатни ишлаб чиқсан Банк таркибий бўлинмасига тегишли ўзгартиришларни амалга ошириш учун тақдим этади.

5.9. Банк фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш.

5.9.1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Банк ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини Банқдаги мавжуд ахборот технологияларидан ва дастурлардан фойдаланган ҳолда амалга оширадилар.

5.10. Банқдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

5.10.1. Банк биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Банкнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

5.10.2. Банкнинг интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилиши мумкин (хусусан, ходимлар билан сұхбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

5.11. Банк ходимларига коррупцияга қарши масалалар бўйича маслаҳатлар бериш.

5.11.1. Банкнинг ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёsat қоидалари ёки Банқда коррупцияга қарши

бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар Банқдаги мавжуд алоқа воситалари орқали ёки бевосита Комплаенс-назорат бошқармаси мурожаат қилишлари мумкин.

6. БАНКНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ

6.1. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини самарали бошқаришга қўйидаги бошқарув органлари, Банкнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлари ҳамда контрагентлари ўртасидаги самимий ва самарали ҳамкорлик орқали эришилади:

6.1.1. Банк Кузатув кенгashi:

- ўз ваколатлари доирасида Банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид сиёсатларини ва муҳим бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;
- Банқда коррупцияга қарши кураш бўйича дастур, харита ва чора-тадбирларни ижро этилиши устидан умумий назоратни амалга оширади;
- Банк фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлишини таъминлашни устувор вазифа қилиб белгилайди.

6.1.2. Банк Бошқаруви:

- коррупцияга қарши курашишга оид бошқа ички меъёрий ҳужжатларни, коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, хариталар, дастурлар ва режаларни тасдиқлайди;
- Банк фаолиятининг барча йўналишларида коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминлайди;
- Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги саводхонлигини ва билим даражасини ошириш бўйича зарур чораларни кўради;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни муқаррарлиги принципи асосида, ўз ваколатлари доирасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштиради, уларнинг оқибатлари, келтириб чиқарган сабаб ва шароитларини ўрганиб тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
- Банқда коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласиди;
- Хавф-хатарларни самарали бошқариш тизимини жорий қиласиди ва амалда кўлладайди;
- Банкнинг коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича комиссиясининг самарали фаолиятини ташкил этади.

6.1.3. Банкнинг барча ходимлари:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан коррупцияга қарши қонунчилигига, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига қатъий риоя қилишлари шарт;
- ўз хизмат вазифаларини холисона, самимий, вижданан, одоб-аҳлоқ қоидаларига (“Ориент Финанс” ХАТБ ходимларининг Одоб-аҳлоқ кодекси) риоя қилган ҳолда бажаришлари ва ҳар қандай коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликлари керак;
- коррупцияга қарши курашишда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фаолиятини фош этишда иштирок этадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

- лавозим ёки хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар түқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ходимнинг шахсий манфаатдорлиги ҳолатларига йўл қўймасликлари лозим;

- Банк мижозларининг банк хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқишида, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига, кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилинишига, ортиқча бюрократияга ва қофозбозликка йўл қўймасликлари лозим;

- банк ва тижорат сирларига риоя этилишини таъминлаш ва ушбу маълумотлардан мулкий ва номулкий манфаатлар ва афзалликлар олиш мақсадида фойдаланмасликлари лозим;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишини имкониятини яратувчи коррупция омилларини аниқлаш мақсадида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертиздан ўтказишида кўмаклашадилар;

- мазкур Сиёсатнинг мазмуни билан танишиб ва унинг талабларига риоя қилиш мажбуриятини имзолашлари лозим (ушбу Сиёсатнинг 1сонли иловаси).

6.1.4. Банкнинг барча таркибий бўлинмалар раҳбарлари:

- қўл остидаги ходимларнинг фаолиятини баҳолашда, шунингдек рағбатлантириш ва жазо чораларини қўллашда адолатли ва холисона бўлишлари лозим;

- нохизмат характердаги масалаларни ҳал қилишда мансаб мавқеидан фойдаланмасликлари, қўл остидаги ходимларни ва бошқа шахсларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳаракатларига мажбурламасликлари (ундамасликлари) лозим;

- қўл остидаги ва бошқа ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузишга йўл қўймасликлари ва бундай ҳолатларни олдини олишлари лозим;

- ўзлари хулқ-атворли бўлишлари ва ўз хулқ-атворлари билан бўйсунувчи ходимларга ўрнак кўрсатиш (шахсий намуна тамойилига риоя қилиш), банк обрўсига путур этказадиган хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари зарур;

- манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ва шартларни ҳамда уларнинг оқибатларини бартаraf этиш чораларини кўришлари лозим.

6.1.5. Банкнинг таркибий бўлинмалари:

6.1.5.1. Комплаенс-назорат бошқармаси:

- Банқда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

- Банқда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

- Банкнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириб боради;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб боради;

- манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келган тақдирда коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қиласди;

- Банкнинг ходимларига коррупцияга қарши курашиш борасида яқиндан ёрдам беради;

- коррупцион ҳуқуқбузарликлар юзасидан шубҳали ёки аниқ ҳолатлар тўғрисида хабар берган ходимлар шахсини ошкор қилинмасликни таъминлайди.

- коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиб боради;

- Банқдаги бизнес жараёнлар, ички тартиб қоидалари ҳамда лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайды, уларни юзага келиш эҳтимолининг юқорилиги бўйича саралайды, саралаб олинган коррупцион хавф-хатарлар даражасини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, шунингдек Банкнинг функцияларидан келиб чиқсан ҳолда коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни танлаб олиб улар устидан алоҳида мониторинг ўрнатади;
- Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида саводхонлиги ва билим даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари вакилларини жалб этган ҳолда турли тадбирлар, жумладан, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларини ташкиллаштиради;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиша иштирок этади ва ўз ваколатлари доирасида экспертиза ўтказади;
- Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини, тузилган шартномаларни, харидлар бўйича ҳужжатларни коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувишининг олдини олиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади;
- Банқда коррупцияга қарши курашиш ҳолатини ўрганиш мақсадида, бошқа таркибий бўлинмалар билан биргалиқда, Банк мижозлари ўртасида очиқ ёки аноним сўровлар (қофоз кўринишида ёки Банкнинг расмий веб-сайти орқали), лозим бўлганда “сирли мижоз” тадбирларини ўтказади, олинган маълумотларни таҳлил қилиб юқори раҳбариятга таклифлар киритади;
- Банк ходимларини ишга қабул қилинишида уларга Банқдаги коррупцияни олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларини тартибиға солувчи ички меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунтиришлар бериши мумкин.
- Банқда Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш комиссиясининг мажлислирида иштирок этади.

6.1.5.2. Юридик хизмат департаменти:

- Банк мижозлари ва контрагентлари билан ҳуқуқий муносабатларда қонун ҳужжатлари нормалари, хусусан, коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилинишини устидан назоратни амалга оширади;
- Коррупция қарши курашиш соҳасида ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиша, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ўзгартирилганда ва бошқа зарур ҳолларда ушбу Сиёсатни ва Банкнинг коррупция қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиша иштирок этади ва уларга тегишли, ўзгартиришлар киритиш ташаббуси билан чиқади;
- Банкнинг тузилган шартномалари, харид ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишида иштирок этади;
- Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;
- Банқда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргалиқда коррупцияга қарши курашиш соҳасида, шунингдек, банк ходимлари томонидан аниқланган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги материалларни тақдим этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

6.1.5.3. Ички аудит департаменти:

- Банкнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини самарадорлигини баҳолаш масадида аудиторлик текширувидан ўтказади;
- Банкнинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича уларга юклатилган вазифаларни бажарилиши юзасидан аудиторлик текширувларни ўтказади ва уларнинг натижаларига кўра Банк раҳбариятига тавсиялар ишлаб чиқади;
- Банқда коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- жорий фаолият доирасида Банқда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш қонунчилигига риоя этилиши устидан аудиторлик назоратини амалга оширади.

6.1.5.4. Хавфсизлик департаменти:

- ўз хизмат вазифалари доирасида Банқда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишини олдини олишга қаратилган назоратни амалга оширади;
- Банк ходимларини ишга қабул қилинишида уларга Банқдаги коррупцияни олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалалари ҳақида тушунтиришлар беради;
- ўз имкониятларидан ва ваколатларидан келиб чиқсан ҳолда Банқда коррупцияга оид хукуқбузарликлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда кўриб чиқиш ва Банк раҳбариятига маълумот бериш ишларини амалга оширади;
- Банқда коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- Банқда коррупциявий схема ва амалиётларни ташкил этишга уринган шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан ва таъсиридан Банк ходимларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;
- бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда коррупция қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қиласди.

6.1.5.5. Ички назорат департаменти:

- Банқда амалга оширилган банк операциялари бўйича аниқланган коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни Банк раҳбариятига тақдим этади;
- Банк контрагентларини ва мижозларини ички меъёрий хужжатларда белгиланган талаблар доирасида ўрганади ва лозим даражада текширади.

6.1.5.6. Ходимлар билан ишлаш департаменти:

- Банк ходимларини ишга қабул қилинишида ҳамда ҳозирда ишлаб келаётган барча ходимларни мазкур Сиёсат (ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар) билан, мазкур Сиёсатнинг 1-сонли иловадасиги Мажбуриятномага (ушбу Мажбуриятнома ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади) имзо чектирган ҳолда таништиради, шунингдек, ходимларни ўқитиш ва коррупция қарши курашиш соҳасидаги мазкур Сиёсатнинг талаблари ҳамда жиҳатларини билиши ва тушунишларини тест синовларидан ўтказишни ташкиллаштиради;
- Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида саводхонлиги ва билим даражасини ошириш бўйича ўқув тадбирларини ўтказилишини ташкиллаштиради.

6.1.5.7. Банкнинг коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш Комиссияси.

Банкда коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича доимий Комиссия фаолият кўрсатади. Комиссия таркибига қуйидагилар киради:

Комиссия Раиси – Банк Бошқарув Раисининг биринчи ўринbosари.

Комиссия Раисининг ўринbosари – Банк Бошқарув Раисининг ўринbosари.

Комиссия аъзолари:

Бош бухгалтер - департамент директори;

Кредитлаш департаменти директори;

Рискларни бошқариш департаменти директори;

Ички назорат департаменти директори;

Хавфсизлик департаменти директори;

Юридик хизмат департаменти директори;

Комплаенс-назорат бошқармаси бошлиғи.

Коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- Банкда коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш соҳасида комплекс чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш;

- Банкда коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ва Банкнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

- Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш, Банкда коррупция ва фирибгарлик ҳолатларига нисбатан муносабатни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш;

- Банкдаги коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш соҳасидаги ишлар ҳолати ва кўрилаётган чора-тадбирлар натижаларини кўриб чиқиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва фирибгарлик фаолиятининг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини оширишни таъминлаш;

- коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатларни, ички назорат ва рискларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш, бу борадаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш;

- мижозларга хизмат кўрсатишда нохолис муносабат, айrim мижозларга бошқаларга нисбатан субъектив муносабат ва Банк ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатларни далиллар асосида текшириш, мижозларнинг сўровларига кўра хизмат текширувлар ўтказиш, шунингдек, ушбу хизмат текширувлар натижаларини кўриб чиқиш;

- мазкур Сиёсатда назарда тутилган ҳолларда яқин қариндошларнинг Банкда биргалиқда ишлаши масаласини кўриб чиқиш;

- коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари билан коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бошқалар.

Комиссия Раиси Комиссия ваколатига кирадиган барча масалалар юзасидан умумий раҳбарликни амалга оширади. Комиссия раиси йўқ бўлган

даврда (хизмат сафари, таътил ва бошқалар) унинг вазифаларини Комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

Комиссия аъзолари Комиссия мажлисининг кун тартиби ва материаллари билан танишиш, кўриб чиқилаётган мажлис кун тартиби масалалари бўйича кўшимча маълумотларни сўраш, ўз ташаббуси билан мажлис кун тартибига масалалар киритишни таклиф этиш ҳуқуқига эгалар.

Комиссия мажлисларига зарур ҳолларда Банкнинг барча ёки фақат тегишли таркибий бўлинма раҳбарларини таклиф қилинишлари мумкин. Комиссия аъзолари ва котиби меҳнат таътилида бўлганида ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги пайитида ёки бошқа сабабларга кўра ишда йўқ бўлган тақдирда, комиссия мажлисларида қатнашиш ваколати уларнинг вазифаларини вақтинча бажараётган ходимларга берилади. Комиссия мажлиси Комиссия аъзоларининг 80 фоизидан (кворум) кам бўлмаган аъзолари иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Комиссия котиби этиб Комплаенс-назорат бошқармаси ходимларидан бири тайинланади. Комиссия котиби Комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш учун барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, мажлисларни ўтказиш санаси ва жойини, шунингдек таклиф этилганларнинг таркибини Комиссия раиси билан келишиб олади, комиссия аъзоларини хабардор қиласи. Мажлис ўтказиладиган санаси, вақти ва жойини, шунингдек Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун маъқулланган материалларни Комиссиянинг барча аъзоларига ва таклиф қилинганларга электрон почта орқали ёки ёзма равишда юборади. Комиссия қарорларининг бажарилиши Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади, Комиссия баённомасини тузади ва тасдиқланган баённомани Комиссия аъзоларига ва тегишли таркибий бўлинма раҳбарларига ижро учун юборади.

Комиссия қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овоз бериш шакли очиқ. “Қарши” овоз берган комиссия аъзоси ушбу масала бўйича ёзма тушунтириш бериши шарт, у Комиссия баённомасига илова қилинади. Комиссия қарорлари баённома шаклида расмийлаштирилади, уни Комиссия раиси, комиссия аъзолари ва комиссия котиби имзолайди.

Комиссия қарорлари ва материалларидан фақат Банк ичida фойдаланиш мумкин ва Комиссия Раисининг (у бўлмагандан эса комиссия раиси ўринбосарининг) расмий рухсатисиз ошкор этилиши мумкин эмас, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Комиссия қарорларининг бажарилиши, шунингдек Комиссия мажлисининг кун тартибига киритилган барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши учун жавобгарлик Банкнинг мансабдор шахслари ва таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари зиммасига юклатилади.

7. КОРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

7.1. Банк тизимида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ўз лавозим мажбуриятлари/функционал вазифаларини бажаришлари бўйича жавобгарлигини кучайтириш, Банкнинг мансабдор шахслари ва раҳбар лавозимларга номзодлар учун тегишли талабларни қўйиш;

- Банк ходимларини меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали ва замонавий усуспаридан фойдаланиш, ходимларни рағбатлантиришда ва юқори лавозимларга кўтаришда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз вазифаларини

узоқ муддатли, бенуқсон ва самарали бажариши тұғрисидаги маълумотларни баҳолаш ва ҳисобга олиш тизимини жорий этиш;

- Банк ходимларининг айрим тоифалари учун Банқда бир вақтнинг ўзида ишлаётган пайтида бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида (капиталларида) ва/ёки бошқарув органларида иштирок этишларини чеклаш;

- ортиқча маъмурый ва бюрократик түсиқларни бартараф этиш, банк хизматларини күрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш;

- масофавий банк хизматларини ривожлантириш, Банк мижозлари (потенциал мижозлари) билан масофавий алоқа шаклларини (мобил илова, интернет-банкинг ва бошқалар) көнг жорий этиш;

- кредит олиш бўйича аризаларни очиқ рўйхатга олиш ва кўриб чиқишини таъминлаш, қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич тартиби ва кредит бериш ёки кредит беришни асослантирилган рад этиш тұғрисида хабардор қилиш тартибини кўрсатган ҳолда батафсил бўлган қоидаларни ўрнатиш, бюрократик расмиятчиликка йўл қўймаслик, шунингдек жисмоний шахсларга кредит ажратиш жараёнида инсон омилини камайтиришга қаратилган ва амалга оширилаётган скоринг тизими, андеррайтинг хамда кредит конвейеридан фойдаланишни такомиллаштириб бориш, тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитларни босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштирган ҳолда ягона электрон платформа орқали ажратилишини босқичма-босқич йўлга қўйиб бориш;

- Амалиёт бошқармаси ва филиаллар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан доимий мониторинг олиб бориш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

- мунтазам сўровлар ва тадқиқотлар ўтказиш, Банк ходимлари фаолиятини баҳолаш тизимини яратиш, шу жумладан электрон тизимдан фойдаланган ҳолда;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тұғрисидаги мурожаатлари тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ёки ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ундаш мақсадида улар билан боғланиш ҳолатлари тұғрисидаги ҳар қандай киругчи маълумотларни баҳолаш ва қайта ишлаш;

- Банк эҳтиёжлари учун товарларни (ишларни ва хизматларни) харид қилишнинг самарали, шаффофф механизмлари ва тартибларини жорий этиш, шаффофликни таъминлаш ва реал рақобатни таъминлаш, шунингдек, харидларни амалга оширишда самарали ички назорат тизимини яратиш;

- Банқда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг самарали тизимини ривожлантириш, Банк томонидан амалга оширилаётган барча тұловларнинг тўлиқ ва ишончли ҳисобини юритиш ва ҳужжатлаштириш, меҳмондўстлик харажатларини назорат қилиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича тушунтириш ва профилактика ишларини олиб бориш, ҳуқуқий-тарбиявий ва маърифий чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашишга қаратилган ахборот материаллари – брошюралар, буклетлар, флаерлар ва бошқаларни тайёрлаш ва Банк филиаллари орқали тарқатиш;

- умумий ички назоратнинг (маъмурый ва бухгалтерия назоратининг) самарали тизимини ривожлантириш, “тўрт кўз” тамойилини (қонунини) қўллаш, яъни бир банк операциясини бошидан-охиригача Банкнинг камида иккى нафар ходими томонидан амалга оширилишини назарда тутувчи тартиботни ривожлантириш;

- Банкнинг коррупцияга қарши курашиш Комплаенс-назорат бошқармаси ходимларини малакасини, билим ва савиясини оширишга қаратилган ўқув/семинар/тренингларда иштирок этишларини таъминлаш ва бу соҳада малакали кадрларни тайёрлаш;
- Банк молия-хўжалик фаолиятини мунтазам равшда ички ва ташқи аудитдан ўтказиш ва бошқалар.

8. ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

- мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

- самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Банк фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

- Банкнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳоказо.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДА

9.1. Ушбу ҳужжат Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ва Юридик хизмат департаменти Методология ва ҳуқуқий таъминот бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, 2022 йил 15 августдан бошлаб кучга киради.

9.2. Ушбу Сиёсат кучга кириши муносабати билан, Банк Кенгашининг 2019 йил 01 апрелдаги 51-сонли баённома билан тасдиқланган ““Ориент Финанс” ХАТБда коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

9.3. Мазкур Сиёсатнинг асл нусхаси Юридик хизмат департаменти Методология ва ҳуқуқий таъминот бўлимида сақланади ва нусхалари тақдим этилиши назорати амалга оширилади.

9.4. Агар мазкур Сиёсатнинг айrim қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади ва мазкур вақтдан бошлаб ушбу Сиёсатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банк Уставига риоя қилинади.

9.5. Ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топиш ва бошқа ҳолатлар ҳужжат ишлаб чиқувчиси томонидан Банк Бошқарувининг 2019 йил 25 декабрдаги 117-сонли баённомаси билан тасдиқланган ““Ориент Финанс” ХАТБда ҳужжатлар юритиш тартиботи”га мувофиқ амалга оширилади.

Матн якуни

“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
1-сонли Иловаси (ўзбек тилида)

**““Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатига риоя қилиш бўйича
МАЖБУРИЯТНОМА**

Ушбу билан мен, _____
(Ф.И.Ш. ва лавозими)

““Ориент Финанс” ХАТБнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” билан танишиб чиқганимни тасдиқлайман ва ушбу Сиёсат талабларига қатъий риоя қилишга розилигимни билдираман. Шунингдек, ўз хизмат вазифаларимни бажаришда ушбу Сиёсатга амал қилиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

Сиёсат талабларига риоя қилмаслигим оқибатида коррупциявий хуқуқбузарлик содир этилганда мен Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида интизомий, моддий, фуқаролик-хуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида хабардорман.

Ушбу Мажбуриятнома менинг меҳнат шартномамнинг ажралмас қисмини ташкил этишига розиман.

Шунингдек, Мен ушбу Мажбуриятнома кейинчалик мазкур Сиёсатга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчаларга нисбатан қўлланилишини тушунаман ва бунга ўз розилигимни билдираман.

Сана: _____

Имзо: _____

“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
1-сонли Иловаси (рус тилида)

**О Б Я З А Т Е Л Ъ С Т В О
о соблюдении требований Политики противодействия коррупции
ЧАКБ «Ориент Финанс»**

Я, _____
(Ф.И.О. и должность)

настоящим подтверждаю, что ознакомлен(а) с «Политикой противодействия коррупции ЧАКБ «Ориент Финанс»» и обязуюсь неукоснительно соблюдать требования этой Политики при выполнении своих служебных и должностных обязанностей.

Я уведомлен(а) о том, что за нарушение мною требований «Политики противодействия коррупции ЧАКБ «Ориент Финанс»», я могу быть привлечен(а) к дисциплинарной, материальной, гражданско-правовой, административной и уголовной ответственности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Я согласен (согласна), что данное Обязательство считается неотъемлемой частью заключенного со мной трудового договора.

Также, я понимаю и выражаю свое согласие на то, что данное Обязательство распространяется и на изменения и дополнения, вносимые в настоящую Политику.

Дата: _____

Подпись: _____

*“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
2-сонли Иловаси (ўзбек тилида)*

Банк ходимларининг лавозим йўриқномаларига киритилиши лозим бўлган АКСИЛКОРРУПЦИЯВИЙ ҚОИДАЛАР

“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР

Банк ходими ўз лавозим мажбуриятларини бажариш билан бир қаторда қуидагиларга қатъий амал қилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашуви масалаларига доир ички меъёрий ҳужжатлари билан танишиб чиқиш, уларга қатъий риоя қилиш ва бузилишини олдини олиш.

2. Ўз фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасиз (тоқатсиз) бўлиш ва уларни содир этилишига йўл қўймаслик.

3. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида зудлик билан бевосита ўз раҳбарига, Комплаенс-назорат бошқармасига ва Хавфсизлик департаментига хабар бериши шарт.”

*“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
2-сонли Иловаси (рус тилида)*

АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ ПРАВИЛА, которые должны быть включены в должностные инструкции банковских сотрудников

“МЕРЫ ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КОРРУПЦИИ

Помимо выполнения своих должностных обязанностей, работник банка должен неукоснительно соблюдать следующее:

1. Ознакомиться с законодательством Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции, а также с внутренними нормативными документами Банка по вопросам противодействия коррупции и конфликта интересов, строго соблюдать их и не допускать их нарушения.

2. Нетерпимо относиться к любым проявлениям коррупции в своей деятельности и не допускать совершения коррупционных правонарушений.

3. Незамедлительно сообщать о любых обращениях лиц, склоняющих/призывающих к совершению коррупционного правонарушения, а также о любых известных фактах совершения коррупционных правонарушений другими сотрудниками Банка непосредственно своему руководителю, в Управление комплаенс-контроля и Департамент безопасности.”

*“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
З-сонли Иловаси (ўзбек тилида)*

**Банк мижозлари, контрагентлари, ҳамкорлари ва ҳомийлик олувчи/берувчилари билан
тузиладиган шартномаларда мавжуд бўлиши лозим бўлган коррупцияга қарши шартлар**

1. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар.

2. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва ҳалқаро хуқуқ талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайдилар.

3. Шартнома Томонларнинг ҳар бири бошқа томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришни рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бегул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар таъқиқланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъқиқланади.

4. Агар бирон-бир томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

5. Томонлар ушбу Шартномани тузища, Шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, Шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

*“Ориент Финанс” ХАТБнинг
Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг
З-сонли Иловаси (рус тилида)*

**АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ УСЛОВИЯ,
которые должны быть предусмотрены в заключаемых Банком договорах с клиентами,
контрагентами, партнёрами и лицами, получающих спонсорскую помощь/спонсорами**

1. При исполнении своих обязательств по настоящему Договору Стороны, их аффилированные лица, работники или посредники не выплачивают, не предлагают выплатить, не разрешают выплату каких-либо денежных средств или ценностей, прямо или косвенно, любым лицам, для оказания влияния на действия или решения этих лиц с целью получить какие – либо неправомерные преимущества или иные выгоды.

2. При исполнении своих обязательств по настоящему Договору, Стороны, их аффилированные лица, работники или посредники не осуществляют действия, квалифицируемые действующим законодательством, как дача/получение взятки, коммерческий подкуп, а также действия, нарушающие требования применимого законодательства и международных актов о противодействии легализации доходов, полученных преступным путем и финансирования терроризма.

3. Каждая из Сторон настоящего Договора отказывается от стимулирования каким-либо образом работников другой Стороны, в том числе путем предоставления денежных сумм, подарков, безвозмездного выполнения в их адрес работ (услуг) и другими способами, ставящего работника в определенную зависимость и направленного на обеспечение выполнения этим работником каких-либо действий в пользу стимулирующей его Стороны.

4. В случае возникновения у Стороны подозрений, что произошло или может произойти нарушение каких-либо антикоррупционных условий, соответствующая Сторона обязуется уведомить другую Сторону в письменной форме или в устной форме, в том числе посредством телефона доверия.

5. Стороны соглашаются не совершать коррупционных деяний во время действия договора, в течение срока действия договора и по истечении этого срока.

Изоҳ: Ушбу З-иловадаги шартлар тавсиявий бўлиб, уларни тақомиллаштириш мумкин.